



СУЛТОН ҲУСАЙН БОЙҚАРО МИРЗО “БОБУРНОМА”НИНГ УРДУЧА ТАРЖИМАЛАРИДА

ШОРАҲМЕДОВА МУХЛИСА

Ўқитувчи, ТошДШИ

Аннотация. Мазкур мақолада “Бобурнома”нинг урдуचा таржималарида Мирзо Султон Хусайн Бойқаро адабий портрети мисолида муаллиф услуги масаласига эътибор қаратилган. “Бобурнома” урду тилига уч марта ўғирилган бўлиб, мақолада туркий тилдан Темурийлар авлодига мансуб Мирза Ҳайдар Кўрагоний таржимаси, Ахтар Надвийнинг форс тилидан бажарган қисқа ва Юнус Жаъфарийнинг Абдураҳим Хони Хононнинг форсча таржимасидан ўғирган тўлиқ таржималари ўзаро қийсий тарзда кўриб чиқилган.

Таянч сўз ва иборалар: “Бобурнома”, асар тили, урдуचा таржималар, адабий портрет, муаллиф услуги, қийсий таҳлил.

Аннотация. В данной статье на примере литературного портрета Султана Хусейна Байкары рассматривается авторский стиль произведения «Бабур-наме» в переводах на урду. «Бабур-наме» было переведено на язык урду три раза: первый перевод принадлежит Мирзе Хайдару Курагони, второй перевод был сделан с персидского языка Рашидом Ахтар Надви, третий перевод осуществил с персидского на урду Юнус Жафари и в статье дан сравнительный анализ этих трех переводов.

Опорные слова и выражения: «Бабур-наме», язык произведения, переводы на урду, литературный портрет, авторский стиль, сравнительный анализ.

Abstract. This article is devoted to author's style in urdu translations of “Babur-name”. It was translated into urdu three times: the first one was translated from Turkic by Mirza Haydar Kuragoniy (1962, Pakistan. Karachi), the second was translated from Persian by Rashid Akhtar Nadvi (1991, Pakistan Lahor) and the third one was translated from Persian by Yunus Jafariy (2007, England).

Keywords and expressions: “Babur-nama”, translation language, urdu translations, literary portret, author's style, comparative analysis.

Бобур қолдирган илмий-адабий мерос ичида, шубҳасиз, энг буюги “Бобурнома”-дир. У ўзбек адабиётида дастлабки насрий-мемуар ва тарихий-илмий асар ҳисобланади. Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг шоҳ асарини жаҳонга машҳур қилган, бошқа халқларни ҳам баҳраманд этган нарса унинг таржималаридир. Бугунги кунда “Бобурнома” дунёнинг 30 дан ортиқ тилига таржима қилинган ҳамда қайта-қайта нашр этилмоқда.

Айрим тилларда “Бобурнома”нинг бир нечтадан алоҳида-алоҳида таржималари мавжуд. Масалан, урду тилига уч марта ўғирилган. “Бобурнома” ни урду тилига биринчи марта Мирзо Насируддин Ҳайдар Кўрагоний таржима қилган. Таржима 1962 йилда Карачи шаҳрида «Бук-Ленд» нашриётида чоп

этилган¹. Титулда китобнинг номи “Бобурнома” деб, унинг тагида эса “Тузуки Бобурий” деб келтирилган. Мундарижа “Бобур ва Бобурнома” сарлавҳали сўз боши бўлиб, китоб жами 426 саҳифадан иборат. Убайдулла Қуддусий изоҳларини таҳрир қилган, тўлдирган ва сўз боши ёзган². Иккинчи таржима Рашид Ахтар Надвий форс тилидан бажарган қисқа³ таржима ҳисобланади. Асар

¹ Ушбу таржиманинг янги нашри яқинда Покистоннинг Лахўр шаҳрида чоп этилган, деган маълумот бор, лекин тафсилотлари маълум эмас. Бу ҳақда қаранг: Сўзбоши / Бобурнома. – Карачи, 2007. – Б. 2.

² Бобурнома. Мирза Ҳайдар Кўрагоний таржимаси. – Карачи, 1962.

³ Бобурнома. Рашид Ахтар Надвий таржимаси. – Лахўр, 1993.

Бомбай шаҳрида Мирзо Муҳаммад Шеро-зийнинг “Читра Прабха Пресс” нашриётида чоп этилган форсча нашридан таржима килинган. Бу форсча қўлёзма ўз навбатида Удайпур ражасининг кутубхонасидан топилган. 246 саҳифадан иборат тўлиқ бўлмаган мазкур форсча қўлёзманинг кўчирилган йили ҳақида ҳеч қандай маълумот келтирилмайди. “Бобурнома”нинг учинчи таржимасини форс тилидан ҳиндистонлик профессор Юнус Жаъфарий амалга оширди ва ушбу таржима Англияда чоп этилди¹. Акбаршоҳнинг буйруғига биноан Абдураҳим Хони Хонон асарни форс тилига таржима қилган ва 1589 йил ноябрида подшоҳга тақдим этган. Нашр сўнгида бир қатор иловалар, фойдаланган манбалар, кўрсаткичлар келтирилган.

Бобур асарлари, айниқса, “Бобурнома” нисбатан содда ва равон услубда битилган. Бобурдан илгари ва Бобур замонида ҳам тарихга оид асарлар тили ниҳоятда жимжимадор эди. Бобур эса равон услуб тарафдори бўлган. Бундай услубнинг афзал эканлигини бутун ижодида исботлаган.

“Бобурнома” билан танишиб чиқиш жараёнида Бобурнинг яқин кишиларига берган таърифу тавсифлари, табиат манзаралари, жой номлари, ҳайвонот ва наботот олами ва жуда кўп нарсаларга ўта синчковлик билан қараш, персонажларнинг адабий портрети маҳорат билан чизилганига гувоҳ бўлиш мумкин. Ушбу мақолада адабий портрет мисолида муаллиф услуби масаласига эътибор қаратилиб, учала таржимани киёслаб ўрганилди.

Рашид Ахтар Надвий таржимаси қисқа бўлганлиги сабабли кўп ўринлар тушиб қолган. Шунинг учун айрим ўринларда биз иккита таржимани киёслаб ўргандик.

...*Валодат ва насаби: валодати секкиз юз қирқ иккида, Ҳирида, Шоҳрух мирзо замонида эди. Султон Ҳусайн мирзо бинни Мансур бинни Бойқаро бинни Умаршайх бинни Амир*

*Темур. Мансур мирзо била Бойқаро мирзо подшоҳлик қилгон эмас. Онаси Ферузабегим эди, Темурбекнинг набираси. Султон Ҳусайн мирзо Мироншоҳ мирзонинг ҳам набираси бўлур эди. Султон Ҳусайн мирзо каримут-тарафайн эди, асил подшоҳ эди. Бир туқгон икки ўғул, икки қиз эдилар. Бойқаро мирзо ва Султон Ҳусайн мирзо, Окобегим ва яна Аҳмадхон олгон қиз Бадакабегим, Бойқаро мирзо Султон Ҳусайн мирзодин улук эди ва навқари эди, вале девон бошида ҳозир бўлмас эди, гайри девонда бир тўшакта ўлтурурлар эди...*²

Кўрагоний таржимаси:

سلطان حسين مرزا
شاہرخ مرزا کا عہد سلطنت تھا۔ اس کا نسب یہ ہے۔ سلطان حسین مرزا بن منصور مرزا بالقرآ مرزا بن عمر شیخ مرزا بن امیر تیمور صاحب قرآن۔ عمر شیخ مرزا اور بالقرآ مرزا بادشاہ نہیں ہوئے۔ اس کی ماں فیروزہ بیگم بھی امیر تیمور کی پوتی تھی۔ اس حساب سے سلطان حسین مرزا ناست مرزا نواسا ہوتا تھا۔ مرزا کی ننھیال اور ددھیال دونوں تیموریہ خاندان سے تھیں۔ وہ نجیب الطرفین اور خاندانی سے ہوئی تھی۔ بالقرآ مرزا سلطان حسین مرزا سے بڑا تھا۔ اگرچہ اس کا نوکر تھا مگر دربار میں نہ آتا تھا۔ دربار کے علاوہ دونوں ایک مسند پر بیٹھتے تھے۔³

Кўрагоний Султон Ҳусайн мирзонинг насабномасини келтирганда, Амир Темурнинг исмидан кейин *Соҳибқирон* сўзини қўшиб қўяди. Аслиятда *Мансур мирзо била Бойқаро мирзо подшоҳлик қилгон эмас*, дейилган, аммо таржимон исмларни чалкаштириб юборган – Мансур мирзонинг ўрнига Умаршайх мирзо бўлиб кетган. Мироншоҳ мирзо исми Нишот мирзо деб хато битилган. Султон Ҳусайн мирзо каримут-тарафайн эди, асл подшоҳ эди, деган жумладаги *каримут-тарафайн* ибораси учун урду тилида *Нажибут-тарафайн* (нажиб – аслзода, таг-тугли) бирикмаси қўлланган, лекин ундан олдин Мирзонинг она томони ҳам, ота

¹ Бобурнома. Форсчадан Ю. Жаъфарий тарж. Изоҳ ва шарҳлар муаллифи Ҳасан Бег. – Кирийақиди, Англия: Шехрбану паблишерз, 2007.

² Парчалар куйидаги нашрдан олинди: Бобурнома. – Т.: Шарқ, 2002. – Б. 128.

³ Бобурнома. Мирза Ҳайдар Кўрагоний таржимаси. – Карачи, 1962. – Б. 210.

томони ҳам Темурий хонадондан эди, деган гап қўшиб қўйилган. Аҳмадхон олган қизнинг исми *Бадакабегим* эканлиги асл матнда мавжуд, бироқ таржимада тушиб қолган. Парчада *Бойқаро* исми хато ёзилган.

Надвийда ниҳоятда қисқа таржима қилинган, шунинг учун унда муаллиф услубининг сақланган-сақланмаганлиги, таржимоннинг маҳорати кабилар хусусида қиёсий фикр юритишнинг иложи йўқ.

Жаъфарий таржимаси:

ان کی ولادت کے دوران شاہ رخ کے عہد حکومت میں ہرات میں ہوئی تھی۔ ان کا سلسلہ یہ ہے: سلطان حسین مرزا ابن منصور ابن بیقر ابن عمر شیخ بن امیر تیمور۔ منصور مرزا اور بیقر مرزا کو کبھی نہیں سلطنت نصیب نہ ہوئی۔ ان کی والدہ فیروزہ بیگم تیمور بیگ کی پوتی تھیں۔ سلطان حسین مرزا رشتے میں میران شاہ کے نواسے بھی تھے اور اس اعتبار سے وہ نجیب الطرفین تھے۔ فیروزہ کے بطن دو لڑکوں بیقر مرزا اور سلطان حسین مرزا اور دو لڑکیوں کی ولادت ہوئی جن میں بڑی لڑکی کا نام آکا بیگم تھا۔ دوسری لڑکی بدلع الجمال (بد کہ بیگم) کی شادی احمد خان سے ہوئی تھی۔ سلطان حسین سے بیقر مرزا عمر میں بڑا تھا لیکن اس کی خدمت گزاری کیا کرتا تھا مگر دوبارہ میں کبھی حاضر نہیں ہوتا تھا۔ البتہ دربار کے علاوہ ہر جگہ وہ دونوں ایک ہی گڈنے پر بیٹھا کرتے تھے۔¹

Жаъфарий таржимасида ушбу парча тўлиқ ва деярли бехато ўғирилган. *Бойқаро* исмини *йой-е маъруф* (ی) ҳарфи билан бироз нобоп имлода битилган. *Йой-е маъруф*нинг (ی)ўрнига *ҳамзали йой-е мажҳул* (ئ) билан ёзилганда, маъқул бўларди. Бундай дейишимизнинг сабаби, мазкур исм бошқа бир ерда келганда, “re” ҳарфи хато орттирилган, оқибатда эса *Бойқаро* исми *Беқарор*га айланиб қолган. *Каримут-тарафайн* ибораси учун Жаъфарий ҳам *нажибут-тарафайн*ни танлаган. ...*Яна Аҳмадхон олгон қизнинг* исми *Бадакабегим* эканлиги аслиятда ҳам, танкидий матнда ҳам бор, бироқ ушбу таржимада

Бадакабегим қавс ичида берилиб, асосий исм сифатида *Бадиъул-жамол* келтирилган. Профессор У. М. Текстоннинг ўз таржимасида келтирган изоҳига қўра, *Бадиъул-жамол* қизнинг тўлиқ исми бўлган².

Жаъфарий таржимаси форсча нусхадан ўғирилган бўлганлиги сабабли урдуча матнда қўплаб форсча сўз ва иборалар, Бобур услубига ёт бўлган жимжимадор жумлалар учрайди. Ушбу таҳлил қилинган парча ҳам бундан мустасно эмас. Чунончи, муаллиф содда, лўнда қилиб: “*Мансур мирзо била Бойқаро мирзо подшоҳлиқ қилгон эмас*”, дейди, лекин шу гап мана бундай таржима қилинган:

“*Мансур мирзо била Бойқаро мирзога ҳеч қачон салтанат неъматини насиб бўлмади. ...Иниси Балх вилоятини бериб эди. Неча йил Балхда ҳукумат қилди. Уч ўғли бор эди, Султон Муҳаммад мирзо ва Султон Вайс мирзо ва Султон Искандар мирзо, Окобеким мирзонинг эгачиси эди. Миронишоҳ мирзонинг набираси. Султон Аҳмад мирзо олиб эди. Бир ўғли бор эди, Кичик мирзо отлиг. Бурунлар тағойисига мулозамат қилур эди, сўнгра сипоҳийликни тарк қилиб, мутолаага машғул бўлди. Дерларким, донишманд бўлуб экандур. Табъи назми ҳам бор экандур. Бу рубоий анингдур: (рубоий келтирилади)*

*Муллонинг рубоийси била таворуд бўлубтур. Охирлар ҳаж тавофи ҳам қилди. Бадакабегим ҳам мирзонинг эгачиси эди. Қазоқликлариди Аҳмадхон Ҳожи Тархонийга бериб эди, икки ўғли бўлуб эди. Ҳирида келиб хейли муддат мирзо мулозаматида бўлдилар*³...

Қўрагоний таржимаси:

سلطان حسین مرزانے اس کو بلخ کا حاکم کر دیا تھا۔ کئی برس تک وہ بلخ حاکم رہا۔ اس کے تین بیٹے تھے۔ سلطان محمد مرزا سلطان ویس مرزا اور سلطان اسکندر مرزا۔ آکا بیگم مرزا کی بڑی بہن تھی۔ میران شاہ مرزا کے پوتے سلطان احمد مرزا سے اس کی شادی ہوئی تھی۔ اس کے ہاں ایک بیٹا پیدا

¹ Бобурнома. Форсчадан Юнус Жаъфарий тарж. (урду тилида) Изоҳ ва шарҳлар муаллифи Ҳасан Бег. – Кир-йақади, Англия: Шехрбану паблишерз, 2007. – Б. 136.

² The Baburnamam Memoirs of Babur, Prince and Emperor. Tr., ed. and annot. by W. Thackston. – New York, Oxford: Oxford University Press. – P. 206.

³ Бобурнома. – Т.: Шарқ, 2002. – Б. 128.

ہوا۔ کیچک مرزانا۔ ابتدا میں وہ اپنے ماموں کا ملازم ہوا۔ آخر میں نوکری ترک کر دی۔ اور مطالعہ کتاب میں مشغول ہو گیا۔ کہتے ہیں کہ وہ حکیم ہو گیا تھا۔ شاعر بھی تھا۔

اس رباعی میں ملاکی رباعی مضمون لڑ گیا ہے۔ آخر میں اس نے حج بھی کیا۔ بیرکم بیگم جو مرزا کی چھوٹی بہن تھی اس کی شادی خان بن احمد شیرخان سے کر دی تھی۔ اس کے ہاں دو بیٹے ہوئے۔ ہری میں آکر دونوں مدت تک مرزا کی خدمت میں رہے ہیں۔¹

Кўрагоний таржимасида Бадакабегим исми Биркабегимга айланиб қолган. Қазоқлиқларида сўзи тушиб қолган. Аҳмадхон Ҳожи Тархоний эса Аҳмадхон бин Шерхондеб ўғирилган. Бадакабегим ҳам мирзонинг эгачиси эди, жумласи Мирзонинг эгачиси Бадакабегим, яъни ҳам сўзи туширилиб таржима қилинган.

Надвий таржимасида ушбу парча икки қаторда баён қилинган, бир аниқ маълумотга эга бўлиш, қиёслашнинг имкони йўқ.

Жаъфарий таржимаси:

چھوٹے بھائی نے ولایت بلخ سے عطا کر دی تھی۔ جہاں وہ کئی سال تک حکمران رہا۔ سلطان محمد مرزا ویس مرزا اور سلطان سکندر اور اس کے تین لڑکے تھے۔ اکا بیگم مرزا کی بڑی بہن تھیں۔ ان کی شادی میراں شاہ کے پوتے سلطان احمد مرزا سے ہوئی تھی۔ ان کے بطن سے ایک لڑکے کی ولادت ہوئی جس کا نام کیچک مرزا تھا۔ ابتدا میں وہ اپنے ماموں کی خدمت میں گزاری کیا کرتا تھا لیکن آخری عمر میں سپاہ گری کو ترک کر کے اپنے آپ کو مطالعات میں مشغول کر لیا۔ کہتے ہیں کہ اہل علم و دانیش تھا۔

زوجیت میں دے دیا تھا۔ کے حکمران (خاں) احمد خاں کی بد کہ بیگم مرزا کی چھوٹی بہن تھی۔ انہیں اس نے حاجی ترخان (موجودہ (سترخان)۔ ان کے بطن سے دو لڑکوں کی ولادت ہوئی جو ہرات آگے تھے اور کافی عرصے تک مرزا کی خدمت میں ملازم رہے۔

Жаъфарий таржимасида урду тили фонетикасида чет тиллардан ўзлашган сўзларни ўз талаффузига мослаштириш ҳодисаси мавжуд.

Чунончи, Тархон, хон сўзларидаги “нун” харфи англатадиган “н” товуши хиндчалашиб нун-е гина, яъни бурун орқали талаффуз қилинадиган “н” товушига айланади. Искандар мирзо исми ҳам Секандар мирзога айланган. Қазоқлиқларида Аҳмадхон Ҳожи Тархонийга бериб эди, жумласи таржимада анча ўзгариб кетган: Қазоқлиқларида сўзи тушиб қолган. Ҳожи Тархонийни Ҳожи Тархон дейилганда, қавс ичида Тархон сўздан кейин ҳозирги Астрахань деб кетилган ва ҳоким сўзи ҳам орттирилган. Натигада гап мана бундай кўринишга эга бўлган: У уни Ҳожи Тархон (ҳозирги Астрахань) ҳокими (хони) Аҳмадхонга хотинликка берган. Эгачи сўзи сингилга айланиб кетган.

...Шакл ва шамойили: қийиқ кўзлуқ, шерандом бўйлуқ киши эди. Белидин қуйи инчка эди. Бовужудким, улуг ёш яшаб, оқ соқоллик бўлуб эди, хушранг, қизил-яшил абришимни кияр эди. Қора қўзи бўрк кияр эди ё қалпоқ. Аҳёнан ийдларда кичик сепеч дасторни яп-ясси намоён чирмаб, қарқара ўтағаси санчиб, намозга борур эди...³

Кўрагоний таржимаси:

مرزا کا حلیہ یہ ہے۔ چھوٹی آنکھیں۔ شیر اندام یعنی کمر نہایت تیلی۔ بڑھا پے تک چہرہ کارنگ سرخ و سپید تھا۔ لال اور سبز رنگ کے پیشینے کا لباس پہنتا تھا۔ ٹوپی سیاہ بڑے کے پوست کی ہوئی تھی۔ یا تلیاتی۔ کبھی عید بقر عید کو بلکی سی دستار سر پہنچ کھلی ہوئی باندھ لیتا تھا۔ اور اس میں کلنی لگا کر نماز کو جاتا تھا۔⁴

Кўрагоний таржимада қийиқ кўзлуқни кичкина кўзлик деб ўғирган. Шерандом бўйлуқ киши эди жумласи таржимада шерандом, яъни бели ниҳоятда ингичкага айланган. Белидин қуйи инчка жумласи таржимада йўқ. Кексайгунча юзи қизил-оқ рангда эди деган гап қўшиб таржима қилинган, бироқ маъноси тушунарсиз. Урду ча матнда қарқара ўтағаси ибораси жизага айланган.

Надвий таржимаси:

سلطان حسین مرزا کی آنکھیں چھوٹی، کمر تیلی اور رنگ سرخ و سپید تھا۔ سرخ رنگ کے پیشینے کا لباس عموماً زیب بدن کرتا۔ اکثر سیاہ رنگ کی

¹ Бобурнома. Мирза Хайдар Кўрагоний таржимаси. – Карачи, 1962. – Б. 210–211.

² Бобурнома. Форсчадан Юнус Жаъфарий тарж. (урду тилида) Изоҳ ва шарҳлар муаллифи Ҳасан Бег. – Кир-йақади, Англия: Шехрбану паблишерз, 2007. – Б. 136.

³ Бобурнома. – Т.: Шарқ, 2002. – Б. 128.

⁴ Бобурнома. Мирза Хайдар Кўрагоний таржимаси. – Карачи, 1962. – Б. 211.

ٹوپی پہنتا۔ عید الفطر کے موقع پر دستار بھی باندھتا۔ جس پر بادشاہوں کی سی کلفتی لگاتا۔ اور اس انداز میں نماز عیدین شریک ہوتا۔¹

Надвий таржимасида ҳам Кўрагонийдаги каби қийиқ кўзлукни кичкина кўзлик деб таржима қилинган. Шерандом бўйлуқ киши эди жумласи таржима қилинмаган. Белидин қуйи инчка эса, бели ингичка ва ранги оқ ва қора эди дейилган. Қора қўзи бўрк кияр эди ё қалпоқ жумласи эса кўпинча қора рангли қалпоқ (aksar siyaah rang kii Torii) кияр эди. Қарқара ўтағаси ибораси подшоҳларники сингари жиғага айланган.

Жаъфарий таржимаси:

تیکھی آنکھیں شیر کا سادکن کمر سے نیچے کا حصہ پتلا ہوتا چلا گیا تھا۔ اگرچہ عمر کافی ہو چکی تھی داڑھی سفید ہو گئی تھی مگر اس کے باوجود شوخ رنگ کے سرخ و سبز ریشمی لباس پسند کرتا تھا۔ برک کے کھال کی چہار گوشہ ٹوپی یا قلیاق پہنتا تھا۔ کبھی کبھی یا خاص طور پر عید کے دن چوری باڑھ کی تین بلدار دیدہ زیب دستار بھی سر پر لپیٹ لیا کرتا تھا۔ ہما کے پر کی کلفتی اس میں لگا کر نماز کو جایا کرتا تھا۔²

Жаъфарий таржимасида қийиқ кўзлукдаги қийиқ сўзи “ўтқир, дадил” маъносини берадиган тiiкhaа сўзи билан ифодаланган. Белидин қуйи инчкани белидан пастки қисми ингичкалашиб кетган тарзида ўгирилган. Қора қўзи бўрк кияр эди ё қалпоқ жумласидаги Қора қўзи бўркни қўзи терисидан тўртбурчак (қилиб тикилган) бош қийим дейилган. Дасторга чиройли сўзи қўшиб таржима қилинган. Қарқара ўтағасини “Хумо патидан қилинган жиға” деб ўгирилганига қараб, Хумонинг афсонавий қуш эканлигидан таржимон беҳабар бўлса керак деб ўйлаш мумкин.

...Ахлоқ ва атвори: Аввал тахт олгонда хаёли бор экандурким, Дувоздаҳ Имомни хутбада ўқитгай. Алишербек ва баъзилар манъ қилибтурлар. Сўнгралар худ жамийъ

иш-кучи суннат ва жамоат мазҳаби била мувофиқ эди. Мафосил захмати жиҳатидин намоз қила олмас эди, рўза ҳам тутмас эди. Ҳарроф ва хушфеъл киши эди. Хулқи бир нима гузаророқ воқиъ бўлуб эди, сўзи ҳам хулқидек эди. Баъзи муомалатта шаръни бисёр риоят қилур эди. Бир қатла бир ўгли бир кишини ўлтурган учун қонлиқларига топшуруб, дорулқазога йиборди.

Аввал тахт олгон маҳалда олти-етти йил тоиб эди. Андин сўнг ичкуга тушти, қирқ йилга ёвуқким Хуросонда подшоҳ эди, ҳеч кун йўқ эдиким, намози пешиндин сўнг ичмагай, вале ҳаргиз сабуҳий қилмас эди, ўғлонлари ва жамийъ ситоҳига ва шаҳрига бу ҳол эди. Ифрот била айи ва фисқ қилурлар эди.

Шужоъ ва мардона киши эди. Борлар ўзи қилич теғурубтур. Темур наслидин ҳеч ким маълум эмаским, Султон Ҳусайн мирзоча қилич чопмиши бўлгай. Табъи назми бор эди. Девон ҳам тартиб қилиб эди. Туркий айтур эди. Тахаллуси “Ҳусайний” эди. Баъзи байтлари ёмон эмастур, вале мирзонинг девони тамом бир вазндадур. Бовужудким, ҳам ёш ва ҳам салтанат била улуг подшоҳ эди, кичиклардек қўчқор сахлаб, кабутар сахлаб, кабутар ўйнар эди, товуқ ҳам урушқа солур эди.³

Кўрагоний таржимаси:

اخلاق و غیرہ یہ تھے۔ ابتدائے سلطنت میں ایسا خیال تھا کہ دروازہ امام کا خطبہ پڑھا گیا۔ بعض نے اس کو معنی کیا۔ آخر اہل سنت والجماعت کے طریقہ پر سب کاروبار ہو گئے۔ وضع مفصل کے سبب سے نماز نہ پڑھ سکتا تھا۔ روزہ بھی نہ رکھتا تھا۔ باتوں اور خوش مزاج آدمی تھا۔ خلق ذرا بڑھا ہوا تھا۔ اس کی باتیں اس کے خلق ہی جیسی تھیں۔ معاملات میں شرع کا لحاظ بہت کیا کرتا تھا۔ ایک مرتبہ اپنے ایک بیٹے کو کسی شخص کے قتل کر دینے مقتول ورثا کے سپرد کر کے دارالقضا میں بھیج دیا۔ بادشاہ ہونے کے بعد چھ سات برس تک تائب رہا۔ پھر شراب پینے لگا۔ اس نے تقریباً چالیس برس تک خراسان کی سلطنت کی۔ کوئی دن ایسا نہ ہوتا تھا ظہر کی نماز کے بعد شراب نہ پیتا ہو۔ مگر صبحی نہ پیتا تھا۔ اس کے سارے بیٹیوں سپاہیوں اور اہل شہر کا یہ حال ہو گیا تھا کہ عیش اور فسق کثرت سے کرتے تھے۔

¹ Бобурнома. Рашид Ахтар Надвий таржимаси. – Лахўр, 1993. – Б. 109.

² Бобурнома. Форсчадан Юнус Жаъфарий тарж. (урду тилида) Изох ва шарҳлар муаллифи Ҳасан Бег. – Кирйа-кади, Англия: Шехрбану паблишерз, 2007. – Б. 136–137.

³ Бобурнома. – Т.: Шарқ, 2002. – Б. 128.

وہ بڑا بہادر شخص تھا۔ بارہا خود لڑا ہے۔ میں نہیں کہہ سکتا کہ اولاد تیموریہ میں سے سلطان حسین مرزا کے برابر کسی نے شمشیر زنی کی ہو۔ موزوں طبیعت تھا۔ دیوان بھی اس نے مرتب کیا تھا۔ ترکی زبان میں شعر کہا کرتا تھا۔ حسینی تخلص تھا۔ اس کے بعض اشعار برے نہیں ہیں۔ البتہ مرزا کا سارا دیوان ایک ہی بحر میں ہے۔ اگرچہ معمور اور بڑا بادشاہ تھا۔ لیکن بچوں کی طرح قبتر پالتا تھا۔ کبوتر بازی کرتا تھا۔ اور مرغ لڑاتا تھا۔¹

Кўрагоний таржимасида Имомни хутбада ўқитгай деган гапнинг охири хутбада ўқитди деб ўгирилган, яъни маъно тамоман ўзгариб кетган. Алишербек ва баъзилар манъ қилибтурлар жумласида эса Алишербек исми тушиб қолган. Сўнгралар худ жамийиш-кучи суннат ва жамоат мазҳаби била мувофиқ эдининг таржимасида ҳам хатога йўл қўйилган – Сўнграларнинг маъноси кейинчалик дегани, бироқ мутаржим уни охирида деб янглишган. Муаллиф кейинчалик Султон Хусайннинг қилган барча ишлари аҳли суннат ва жамоага мос эди, демоқчи. Шужоъ ва мардона битта сўз (baRaa baha-adur – “жуда мард”, “қўркмас”) билан ифодаланган. Таржимада бундай усулни маъкул деб бўлмади, аслиятда маъно кучайтирилган ўринларда таржимон ҳам шундай йўл тутиши керак. Ушбу бирикмани shujaa aor diler деб ўгириш мумкин эди.

Надвий таржимаси:

بادشاہ بننے کے چھ سات سال تک شراب بالکل نہیں پی۔ مگر پھر پینے لگا۔ روزانہ ظہر اور عصر کے مابین شراب نوشی کرتا۔ وہ بڑا بہادر اور جنگجو بادشاہ تھا۔ چالیس برس تک متواتر خراسان پر بادشاہت کی۔ بڑے ٹھاٹھ سے شعر بھی کہتا۔ صاحب دیوان تھا۔ حالانکہ بہت بڑا بادشاہ تھا۔ مگر کبوتر اور مرغ پال رکھے تھے۔ مرغوں کی لڑائی اس کا محبوب شغل تھا۔²

Надвий таржимасида айрим гаплар тушиб қолган. Шужоъ ва мардонани жуда мард ва жанговор деб ўгирилган. Жанговор сўзи ушбу ўринда унчалик маъкул вариант

эмас. ...Товуқ ҳам урушқа солур эди деган гап хўроз уриштириши унинг севган машгулоти эди тарзида таржима қилинган.

Жаъфарий таржимаси:

تخت نشین ہونے کے بعد پہلی مرتبہ اس کے دل میں یہ خیال گزرا کہ خطبے میں بارہ اماموں کا ذکر کیا جائے۔ بعض لوگوں نے اسے باز رکھنا چاہا۔ آخر میں اس کے تمام آداب و اتوار مذہب اہل سنت و الجماعت کے مطابق ہو گئے تھے۔ چونکہ اس کے جوڑوں میں درد رہتا تھا۔ اس لئے نماز ادا کرنے سے قاصر تھا۔ روزہ بھی نہیں کرتا تھا۔ بولتا بہت تھا اور خوش خلق انسان تھا۔ مزاج میں ذرا تندی تھی۔ اس کی باتوں سے اس کے اخلاق کی چاشنی چھلکتی تھی۔ بعض امور میں شرعی احکامات کی سخت پابندی کرتا تھا۔ ایک مرتبہ اس نے اپنے ایک لڑکے کو اس جرم میں کہ اس نے کسی کو قتل کیا تھا اور شہین مقبول کے حوالے کر دیا اور اسے

دارال قضا میں بھیج دیا۔

تخت سلطنت پر متمکن ہونے کے چھ سات سال تک ووتایب رہا۔ مگر اس کے بعد شراب پینے لگا تھا۔ اس نے چالیس سال تک خراسان میں حکومت کی۔ اس عرصے میں کوئی دن ایسا نہیں گزرا جو اس نے نماز ظہیر کے بعد میخواری نہ کی ہو۔ مگر اس نے صبحی کبھی نہیں پی۔ اس کے تمام لڑکے سپاہی شہری اسی رنگ میں ڈوبے ہوئے تھے۔ افراط سے دادیش دیتے اور فسق و فجور بتلاتے تھے۔

آدمی بہادر و جری اور تلوار کا دہانی تھا۔ یہی نہیں بلکہ ایک معرکے میں تو اس نے کئی مرتبہ بڑھ کر تلوار کے وار کئے تھے۔ معلوم نہیں کہ آل تیمور میں کسی شخص نے سلطان حسین مرزا کے برابر شمشیر زنی کے جوہر دکھائے ہوں طبع موزوں پائی تھی۔ دیوان بھی مرتب کیا تھا۔ ترکی زبان میں شعر کہتا اور حسین تخلص تھا۔ اس کے اشعار برے نہیں۔ لیکن پورا دیوان ایک ہی بحر میں ہے۔ بہر صورت سن و سال اور فرمانرواہونے کے اعتبار سے ایک عظیم حکمران تھا۔ مینڈھوں کو بچوں کی طرح پالتا تھا۔ کبوتر بازی کا بھی شوق تھا۔ مرغوں کو بھی لڑواتا تھا۔³

Жаъфарий таржимасида: Аввал тахт олгонда хаёли бор экандурким, Дувоздаҳ Имомни хутбада ўқитгай деб бошланадиган би-

¹ Бобурнома. Мирза Хайдар Кўрагоний таржимаси. – Карачи, 1962. – Б. 211–212.

² Бобурнома. Рашид Ахтар Надвий таржимаси. – Лахўр, 1993. – Б. 109.

³ Бобурнома. Форсчадан Юнус Жаъфарий тарж. (урду тилида) Изоҳ ва шарҳлар муаллифи Хасан Бег. – Кириякади, Англия: Шехрбану паблишерз, 2007. – Б. 137.

ринчи гапда битта хато бор: гапнинг биринчи ярми *“Тахтага ўтиргандан кейин биринчи мартаба хаёлидан кечдики...”* деб ўтирилган. *Биринчи мартаба* бирикмаси ортиқча. *Сўнгралар худ жамиъ иш-кучи суннат ва жамоат мазҳаби била мувофиқ эдининг таржимасида сўнграларнинг маъноси кейинчалик* дегани, бироқ уни *охарида* деб ўтирилган ва Кўрагоний таржимасида бўлганидек, хатога йўл қўйилган. *...худ жамиъ иш-кучини барча одоб ва атвори* деб ўтирилган. Аслиятда *Дувоздаҳ Имом* дейилган. Буни Кўрагоний ўзидек қилиб берган, Надвийда шу жойи тушиб қолган, Жаъфарий эса таржима қилиб, *Ўн икки Имом* деб келтирган. *Алишербек ва баъзилар манъ қилиб турларда Алишербек* тушиб қолган. *Шужоъ ва мардонани* иккита сўз (*bahaadur va jarii*) билан ифодалаб, маъқул йўл тутган. Шу иборадан кейин *...қилич ўйнатишида моҳир эди* деб қўшиб қўйилган. *Борлар ўзи қилич тегурубтур* жумласи қуйидагича ўтирилган: *Шугина эмас, балки бир жангда бир ўзи бир неча марта олға чиқиб қиличбозлик қилган.* Таржимада ноаниқликка йўл қўйилган: Бобур Султон Хусайн қатнашган битта жанг хусусида эмас, балки у олиб борган ҳамма жанглар тўғрисида сўз юритмоқда. Шунинг учун *бир жангда* дейилиши хато. *Бовужудким, ҳам ёш ва ҳам салтанат била улуг подшоҳ эди* деган гапни ўгиришда жиддий хатога йўл қўйилган. Аслиятнинг маъноси қуйидагича: *Гарчи ёш жиҳатдан ҳам, салтанат (тахт) соҳиби бўлиши жиҳатидан ҳам улуг подшоҳ бўлса-да...* Лекин мутаржим *Ҳар ҳолда ёши жиҳатидан ва подшоҳ бўлиши жиҳатидан улуг ҳукмрон бўлса-да...* деб гапни бузиб ўтирган. Форсча сўз ва ибораларнинг сероблиги ушбу парча таржимасида ҳам кўзга ташланади.

Хулоса қилиб айтганда, Бобурнинг илмий-адабий мероси билан турли мамлакат ва соҳа мутахассислари шуғулланмоқдалар. “Бобурнома” жаҳоннинг асосий тилларига таржима қилинди, тадқиқотлар олиб борилмоқда ҳамда ушбу буюк асар бўйича изланишлар хали давом этади. Заҳириддин Муҳаммад Бобур яратган мерос дунё адабиёти, маданиятига муносиб улуш бўлиб қўшилгандир.

“Бобурнома”да келтирилган адабий портретни аслият билан қиёслаб ўрганиш натижасида қуйидаги хулосаларга келинди: биринчидан, Бобурнома”даги лўнда, равон ифода этилган адабий портретлар муаллиф услуби сақланганлик нуктаи назаридан қараганда, урдуча таржималарда турлича ўтирилган. Учала урдуча таржима ҳам камчиликлардан холи эмас. Мирза Насируддин Ҳайдар Кўрагоний таржимаси иккита жиҳати билан аҳамиятлидир: аввало, аслият тили – туркийдан ўтирилганлиги ҳамда муаллиф услубини нисбатан кўпроқ сақлашга интилганлиги.

Иккинчидан, Рашид Ахтар Надвий таржимаси форс тилидан бажарилган қисқа таржима ва у илмий таржима эмас. Аксар ўринлар тушиб қолган. Бунинг сабаби - асар бирон-бир ноқис форсча нусхадан ўтирилган бўлиши ёки мутаржимнинг айби билан шундай бўлган, деб тахмин қилиш мумкин.

Учинчидан, Юнус Жаъфарий таржимасининг тўлиқ ва илмий таржима эканлиги, унда изоҳ ҳамда шарҳларнинг мўллиги муҳимдир. Бироқ форсча таржимадан ўтирилган ва аслият тилига мурожаат қилинмаганлиги сабабли иккита жиддий камчилиги бор: Бобур услубига зид келадиган жимжимадор жумлаларнинг кўплиги ва ортиқча гапларнинг қўшилганлиги. Шундай бўлса-да, мазкур таржималар мумтоз адабиётимизнинг шоҳ асарини урду тилида сўзлашувчи халқлар орасида кенг тарқатишда катта роль ўйнайди.

